



AHMAD IBN HAFS KABIR BUXORIY MEROSI VA UNING ILK SHARQ RENESSANSI HAMDA ISLOM FALSAFASI ILMIY NAZARIY ASOSLARINI YARATISHDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

mauzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy anjumani

16-17 iyun Buxoro shahri



борлиқдаги барча нарсаларнинг араз-у жавҳарларнинг ҳам вужудини Унинг вужудидир демоқлик жоиздир”¹.

Булардан ташқари Ибн Арабий яна “Ўлмасларингиздан бурун ўлинглар”, “Мен нафллар орқали Менга яқинлашаётган бандани севаман. Севдимми унинг қулоғига, кўзига ва қўлига айланаман...”, “Албатта, мўъмин мўъминнинг ойнаси” каби ҳадисларни ҳам келтириди ва улардаги маъно айнан Аллоҳдан ўзга борлиқ ёки вужуд йўклигига ишора эканлигини баён қиласди.

Ибн Арабий ўз рисоласида фикрининг тўғрилигини исбот қилиш мақсадида нафақат пайғамбар ҳадисларидан, балки Қуръон оятларидан ҳам мисоллар келтириб, уларни ўзи айтиётган мазмунни англатишини таъкидлайди:

كُل شيء هالك إلا وجهه بالظاهر و الباطن يعني لا موجود إلا هو و لا وجود لغيره فيحتاج إلى الهاك و يبقى وجهه.

“Зоҳиран ва ботинан “Ундан бошқа барча нарсалар ҳалок бўлар” (Қасос: 88-оят.), яъни Ундан ўзга мавжуд йўқ. Ундан бошқа вужуд йўқ. Бошқа бўлса, у ҳалокатга маҳкумдир. Фақат “Ўзигина боқийдир” (Рахмон: 27.), яъни Ундан ўзга бирон нарса йўқдир”².

У яна бошқа суралардаги баъзи оятларни ҳам шу маънода талқин қиласди. Масалан, Соффот сурасининг ﴿أَلَّا إِلَهٌ إِلَّا هُوَ﴾ (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”) оятини “عَنْدَنْ بُشْكَا إِلَّا إِلَهٌ إِلَّا هُوَ” (“Ундан бошқа илоҳ йўқ”), “عَنْدَنْ يُزْغَادَا بُشْكَا إِلَّا إِلَهٌ إِلَّا هُوَ” (“Унинг ўзидан бошқа илоҳ йўқ”) маъноларини англатади деб ёзади.

Ибн Арабий асарида борлиқ, мавжудлик ва вужуд масаласини ўз ҳолидан келиб чиқиб, кенг ва атрофлича тушунтиради. Асарнинг хulosасида бу ёзганлари фақат тушунгандар учунлигини яна бир таъкидлайди. У ёзади:

فَقَدْ شَرَحْنَا كَثِيرًا مِثْلَ هَذَا الْكَلَامَ مِنْ قَبْلٍ وَإِنْ شَرَحْنَا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَمَنْ لَا يَرَى لَا يَرِي وَلَا يَفْهَمْ وَلَا يَدْرِكْ، وَمَنْ يَرَى
وَبِفَهْمٍ وَبِدْرَكْ. فَالْوَاصِلُ تَكْفِيهِ الإِشَارَةُ

“Бундан олдин ҳам буни кўп шарҳ қилдик. Яна қанча шарҳламайлик кўрмайдиган киши барибири кўрмайди, тушунмайди ва идрок этмайди. Ким кўрса, у тушунади ва идрок ҳам этади. Висолга етганга ишора кифоядир”³.

Сўфий ва файласуф Ибн Арабийнинг борлиқ ва уни англаш борасидаги фикрлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган ва барча даврларда башарият диққатини тортиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004.
2. <https://www.islamweb.net/ar/>
3. Смирнов А.В. Великий шейх суфизма (опыт парадигмального анализа философии Ибн Араби) М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1993 - 330 с.

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ РУБОИЙЛАРИДА ТАСАВВУФ МАҚОМЛАРИ ВА ХОЖАГОН ТАСАВВУФИЙ ТАРИҚАТИДА ИНТУИТИВ БИЛИШ ҲАҚИДА

Ойгул Турсуновна ШАРИПОВА

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди. “Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиши” илмий-тадқиқот маркази аъзоси.

ШАРИПОВА Ойгуль Турсуновна

Доцент кафедры “Исламская история и источниковедение, философия” Бухарского государственного университета, кандидат философских наук. Член Научно-исследовательского центра “Образование восточных языков и изучение наследия бухарцев”.

¹ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-38

² الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-38

³ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-46

SHARIPOVA Oygul Tursunovna

Associate Professor of the Department “*Islamic History and Source Studies, Philosophy*” of the Bukhara State University, Candidate of Philosophical Sciences. Member of the Research Center “*Education of Oriental Languages and the Study of the Bukharian Heritage*”.

Аннотация: Ушбу мақолада Хожагон тасаввуфий атаълимотининг асосчиси Абдухолик Гиждувоний рубоийлариниг фалсафий таҳлили ўз ифодасини топган.

Таянч сўзлар: тасаввуф, тариқат, мутасаввиф, мақом, тавба, солик, шайх, нафс, зикр, руҳий қалб.

Аннотация: В этой статье представлен философский анализ рубаи Абдухолика Гиждувани, основателя учения Хадж-суфизма.

Ключевые слова: суфизм, тариқат (дорога), суфий, толерантность, глобализация, общество, социально - духовная жизнь. миролюбивый, патриотизм.

Annotation: Annotation: This article presents a philosophical analysis of the rubaiyat of Abdukholik Gijduvani, the founder of the teachings of Hajj Sufism.

Key words: Sufism, tariqat (road), Sufi, tolerance, globalization, society, social and spiritual life. peace-loving, patriotism.

Рационал билиш натижасида интуиция вужудга келади. “**Интуиция**” сўзи таржимаси дикқат билан кўрмоқ, яъни мантиқий мулоҳаза қиласдан туриб, бевосита ҳақиқатга етишиш қобилияти,” деган маънони билдиради. Инсон ўзининг ақлий нигоҳини ташки ва ички дунёларга қаратиб, “қалб қаърини ўрганади. “Интуиция ўз-ўзига синчиклаб дикқат билан қарашиб, тикилиш”, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини кузатишга йўналган.

Фалсафа тарихида интуиция атамасининг моҳияти ва унинг турли таъриф ва кўринишлари борасида бир қанча фикрлар мавжуд.

Интуиция маҳсус билиш жараёни сифатида, бевосита янги билимни ҳосил қилувчи жараён тарзида, кишиларга хос бўлган сезги ва абстракт тафаккур каби умумий қобилият сифатида намоён бўлади.

Махсус билиш феномени сифатида интуиция кўп маънолидир. Биз интуиция деганда, интеллектуал интуицияни (лот. Intellektus – ақл, инсон-нинг фикрлаш қобилияти), нарсаларнинг туб моҳиятига кириб бориш асосидаги билиш жараёнини тушунамиз.

Объектив билим интуитивли билишни озиқлантиради ва қўллаб қувватлайди, яъни дискурсив билим интуитив билимга замин тайёрлайди. Билиш эса билимни изоҳлайди ва ойдинлаштиради.

Интуитив билиш, инсоннинг оддий кундалик амалий билиш фаолиятига ҳам хосдир. У инсон билишининг ҳамма бошқа шакллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, билиш жараённида уларни тўлдиради.

Инсон билишини турларга бўлишда интуитив билишдан фарқли равишда қадимдан гойибона билиш ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Гойибона билиш инсон билишнинг шундай турики, бунда киши узоқ масофадан туриб содир бўлган ёки содир бўладиган ҳодиса ва воқеани билиши, ҳис қилиши, бу ҳодиса ва воқеанинг қандай содир бўлиши унга аён бўлади. Кишилар бирон ишни қўлмоқчи бўлса, бу ишнинг натижаси ҳақида олдиндан: “шундай бўлиши керак, бунга мен қатъий ишонаман”, “шундай бўлади, деб ўйтайман” ёки “олдиндан юрагим сезганди”, “оёғим тортмаганди”, “негадир кўнглим ғаш” деган фикр-мулоҳазаларни айтишади.

Лекин шуни айтиш керакки, гойибона билишнинг ҳозирча механизми фанда маълум эмас. Шу сабабли кўпинча гойибона билишни кишилар илоҳийлаштириб, бундай билиш фақат азиз-авлиёларга, алоҳида ғайри табиий хусусиятларга эга кишиларга хос, деб қараб келишмоқда.

“Фан ўз асослари ва услубларига кўра, асосан рационалдир. – деб таъкидлайди Луи де Бройль, – у фақат ақлий қобилиятларни янада самаралироқ ишга солиш йўли билан борган сари кўпроқ ютуқларга эришиши мумкин”¹.

Немис мумтоз файласуфи Иммануил Кант ақлий ва қалбий билиш диалектикаси ҳақида, яъни дискурсив ва интуитив билиш боғлиқлиги ҳақида қўйидаги фикрларини баён этган: “Бизнинг барча билимимиз ҳиссиётдан бошланади, кейин мулоҳаза юритишга ўтиб, ақл билан тугайди. Бундан юқорида биз учун мушоҳада далилларини ўрганиш ва уни олий тафаккурга тўплаш учун бошқа ҳеч нарса қолмайди.

Мулоҳаза - хукм тузা олиш қобилияти, хукм чиқариш қобилияти эса тафаккурдан бошқа нарса эмас. Мулоҳаза қоидаларни шакллантира олиш қобилиятидир, ундан фарқли равишда, ақл маълум тушунча ва хулосаларнинг манбаидир”².

Интуитивист файласуф-олим Анри Бергсоннинг айтишича, ақлнинг роли қанча торайса интуицияга бўлган муносабат ва билим доираси кенгая боради. Шундагина ҳақиқатга эришиши мутлоқлашади. Ақл ҳамма вақт ҳам ижобийликка хизмат қилмайди. Ҳам онглийлик жараёнида пухта ўйлаб содир этилади. Интуиция эса нуқул ижобийликка хизмат қиласида унинг натижасида улкан кашфиётлар очилади. Интуицияни билимнинг ўта мукаммал ва тийран шакллари сифатида ифодалайди.

Бергсон : “ақл ва интуиция тубдан фарқ қилувчи олий ёки паст билиш босқичлари эмас”лигини, балки “иккала ёнма - ён тарақкий этувчи ва ўзаро бир - бирларини тақозо этиб тўлдириб борувчи босқич” эканлигини таъкидлайди.”³ Файласуфнинг фикрича, уларнинг манбаи тажриба бўлиб интелект ва интуиция генетик ва эмпирик бирликнинг келиб чиқиши бирлиги уларни яхлит билиш назариясига ва метафизикага бирлаштириш имконини беришини эътироф этади. Унинг “Ижодий эволюция” асарида интуицияга “беғараз, соғ ўз-ўзини англаш, ўз предмети ҳақида тафаккур қилиш ва уни чексиз давом эттириш инстинкти” деб таъриф берилади. Таъриф давом эттирилиб, “Айни бир ҳаётий фаолиятнинг турлича ва ёнма-ён йўналишлари бўлмиш интелект ва инстинкт бир хил аҳамиятга эга улар айни бир муаммонинг тафовутли ва бир хилда чиройли бўлган ечимидир. Интуициягина фалсафий ва билиш муаммоларини холис ҳам эта олади, фақат шундай билимларгина нисбийликка тўхтаб қолмай балки мутлоқликка эришади. Интуиция ва фақат интуициягина анализларнинг ёрдамисиз, символларнинг воситасисиз реалликни қамраб олади, мутлоқлик фақатгина интуициягагина борилади, қолганлари ва эса анализ жараёнида очилади. Интуицияга “предметлар ичига сингиб борувчи ва улар қандай бўлса шундайлигича ифодалаб берувчи ҳиссий қабуллаш” деб таъриф беради.

Интуицияга эга бўлмоқ учун маҳсус қобилиятлар ёки билиш аъзолари талаб қилинмайди. Интуициянинг асосий шарти соғ салбий ва онгнинг амалий манфаатдорлигидан сокит бўлишида ва амалиётга мувофиқ ҳар қандай нуқтаи назарларни бартараф қилишдир Интуитив билиш учун на бирор нарсани қилиш, на билиш на бирор нарсани тадбирлаш талаб қилинмайди, амалий фаолият жараёнида интелектда пайдо бўлган мойилликлар, одатлар, нуқтаи назарларга қарши турувчи онгни бошқарувчи ироданинг кучли қуввати талаб этилади холос. Онгимизни амалиёт билан боғлиқ бўлган барча ришталарини узиб ташлаб амалий нуқтаи назар билан боғлиқ бўлган барча нарсалардан воз кечиши нарсаларга соғ ҳиссий қараш Бергсонча интуицияга эга бўлишдан иборатдир. “Фалсафанинг роли дикқатни жалб этиб бизни реалликни тўлиқ идрок қилишга етаклашдан иборат эмасми?”⁴

Бергсон ўзининг фикрларида биз дикқатимизни реал ҳаётдан ажратиб олсак ва шундай ҳолда фикрласак интуицияга эриша олишимизни, бунинг ёрқин мисоли тушларда намоён бўлишини, ухлаганда инсоннинг сезги органлари ва умуман танаси ором олади

¹ Л.Тибодо.Вражденная интуиция.. Рипол классик.Москва. 2006. –С. 243.

² Кант И. Соч.в 6 т.М., Т. 3, -С. 340.

³ Бергсон А. Собрани сочинений в пяти томах. Спб. 1914. –С. 200-210.

⁴ Бергсон А. “Творческая эволюция” М.-спб 1941. С. 37-42.

унинг руҳи эса ўйғоқ ҳолда нималарнидир олдиндан қўради каби ғоялари тасаввуф аҳлининг фикрлари билан ҳамоҳангдир.

Интуиция ҳақидаги шундай фикрлар ривожи Бергсон томонидан қилинган бир таққослашда ўз исботини топди. Балон шахрида бўлиб ўтган файласуфларнинг IV-халқаро конгрессида Бергсон ўзининг машҳур “интуиция фалсафаси” маъruzасида у интуицияни Сукротнинг “демони” билан тенглаштиради. “Демон” Сукротнинг хар доим яхши маслаҳатлар берган, нима мумкину нима мумкин эмаслигини олдиндан айтган. Шунинг учун Сукрот бир қарор айтганда “мен “демон” им билан маслаҳатлашиб шу қарорга келдим” деб айтган. Бергсон интуицияси билиш жараёнида худди ана шундай рол ўйнайди. “Менинг назаримда интуиция ақлий билиш соҳасида худди Сукротнинг амалий фаолиятидаги “демон” ига ўхшайди” деб таъкидлайди.”¹

Тасаввуфнинг гносеологик таълимоти ўзига хос хусуиятга эгадир. Тасаввуф аҳли концепцияси бўйича ориф (гностик) нинг асосий вазифаси олий мақсад - Ҳақиқатни билишдан иборатdir. Бу мақсадга ўз-ўзини англаш ва ўз - ўзини тақомиллаштириш орқали эришилади. Инсон ўзини билиш жараёнида англайдики, ўзида қандайдир илоҳийлик мавжуд ва шунинг учун илоҳийликни англашнинг энг тўғри усули ўзини - ўзи англашга, ўзини менини ўрганишга қаратмоғи керак. Бунинг учун сўфийлик тариқатидаги билишнинг асосий босқичлари шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатdir. Билиш муаммоларини ҳал этишда ҳам тасаввуфдаги турли қарашларни мўътадил ва ашаддий деб иккига бўлганлар.

1. Мўътадил мутасаввифларга Ҳориси Муҳосиби, Абулқосим Кушайри, Абуҳомид Фаззолий ва бошқалар киради. Уларнинг фикрича сўфийлик шариат доирасидан чиқмаслиги лозим. Сўфийнинг барча сўз ва ҳаракатлари Куръон ва Муҳаммад с. а. в. айтганлари доирасида бўлиши керак.

2. Ашаддий мутасаввифларга ваҳдати вужуд (моҳиятнинг ягоналиги) таълимоти тарафдорлари кирадилар. Улар ҳақиқат (ал-Ҳақ, Оллоҳни) ва табиатни ягона, бирликда ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича табиат Оллоҳ нурининг, жилоланишининг (эмансация) натижасидир. Инсон бу эманациянинг пастки охирги босқичида ҳосил бўлади. Лекин инсон нафақат илоҳий ҳақиқатни билиш даражасига етади, шунингдек ўзи ҳам “Ҳақиқат - Оллоҳ” даражасига ета олади. Ҳақиқатни билишда улар шариатдан юкорирокга кўтариладилар ва ҳақиқатни шариатдан юксакроқ қўядилар. Шунинг учун ҳам бундай мутасаввифлар диндорлар томонидан таъкиб қилинардилар. Ашаддий сўфийларга Мансур Халлож, Боязид Бистами, Ибн ал - Араби ва бошқалар кирап эдилар.

3. Лекин шундай сўфийлар ҳам бор эдиларки, улар ашаддийлар ва мўътадиллар ўртасида эдилар. Улар ҳам ҳақиқатни излашда ўз-ўзини англаш ва сўнг Оллоҳни билишга етишиш мумкинлиги ҳақидаги таълимотни қўллайдилар. Бундай мутасаввифларга Абдулмаджид Санои, Фариддудин Аттор, Маҳмуд Шабустари, Абдурахмон Жомий ва бошқалар киради.

Тасаввуфда билиш муаммосининг қай даражада эканлигини ўрганиш кўп тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортган. Ҳали 1885 йилда рус шарқшуноси В.А.Жуковский ўзининг тадқиқотини шу соҳага бағишлигар. Унинг 8 февраль 1885 йил Санкт Петербург шахрида императорнинг Санк Петербург Университети йиллик акт (мажлис)ида ўқиган нутқи “Человек и познание у персидских мистиков” (“Форс мистиклари таълимотида инсон ва билиш муаммоси”) номи билан аталади. У шу нутқида таъкидлайдики, “руҳ ва тана яхлитлигидаги инсонни яратилишининг асосий мақсади - билишдир”. Билишда ижоднинг сири ётади. В.А.Жуковский сўзида билиш бўйича тасаввуф аҳлининг сўзларини келтиради. В.А.Жуковскийнинг хизмати шундаки, тасаввуфда билиш муаммосини ўрганишни бошлаб берди. Бу масалани кейинчалик Е.Э. Бертельс ҳам ўзининг “Суфизм и суфийская литература” асарида (М. 1905) анча ёритади.

¹Бергсон А. “Время и свобода воли”. М, 1911. С. 300-315.

Кейинчалик Бертельснинг издошлари бу соҳада анча иш қилдилар. Булардан М.Ражабов, Н.Одилов, К.Олимов, А.Муҳаммадхожаев, Ш. Исмоилов, М.Султонов ва бошқалардир.

М.Степаньянцнинг “Философские аспекты суфизма” (М.1987) асарида бир бўлим ҳақиқатни билиш муаммосига бағишиланган.

1990 йил Душанбедан “Дониш” нашриёти А.Муҳаммадхожаевнинг “Гносеология суфизма” деган асарини чиқарди. Унда муаллиф Абдулмаджид Санои, Ф.Аттор, Ж. Руми, Азиз Насадж, Нажмиддин Рози ва бошқалар таълимотига таяниб билиш муаммоларини тасаввуфда ҳал этишини ёритган.

Тасаввуф таълимотига асосан битта субстанция мавжуд. Унинг номи ёки умумий - Абсолют Ақл (Ақл Кулли) ёки Умумий “Рух”, “Рухи Кулли”. Инсон бу ягона рухнинг бир кичкина қисми. Бу кичик қисм ўзининг ягона асосини билишга ва у билан яхлитланиш учун билишига интилиши лозим.

Оллоҳга муҳаббат - билиш йўлининг фақат бошидур. Юксак чўққиси Оллоҳ билан бирлашиш. Бу ғоялар Боязид Бистами, Абубакр Шибли, Мансур Халлож томонидан ривожлантирилган. Шу ғоялар ваҳдати вужуд пантеистик таълимотининг вужудга келиши учун асос бўлди.

Билишнинг усуслари - кащф - илхом - дейдилар. Билишнинг воситалари – ҳиссиёт ва ақл эмас, интуиция. Вужуди мавжуд - тарафдорлари қарашларида Оллоҳни билиш билан бирга мавжудотни билиш ҳам бор. Шунинг учун уларда билиш обьекти - моддий олам, билиш воситалари - ҳиссиёт, ақл, кузатиш, таққослаш, тажриба тор маънода ишлатилади. Лекин Оллоҳни билиш учун Оллоҳнинг саховати - нури керак.

Демак, тасаввуфнинг пантеистик борликқа муносабати унинг билиш таълимотининг асосидир. Яъни, инсон билиши билмасликдан билишга, аниқ бўлмаган билишлардан аникроқ билишларга, тўлиқ бўлмаган, қисман билишлардан тўлиқроқ билишларга, оддий билишлардан мураккаб илмий билишларга томон боришдан иборатdir. Шу билан бирга, инсоннинг билиш жараёни айримлик (алоҳидалик) дан хусусийликка, хусусийликдан эса умумийликка ва ниҳоят, умумийликдан энг умумийлик томон, ҳодисалардан моҳиятларга томон боради. Инсон билиш жараёни ҳиссий билишдан ақлий билишга, жонли мушоҳадалардан абстракт тафаккурга томон ва, аксинча, боришлардан иборат диалектик жараёндир.

Таъкидлаганимиздек, сўфийлик билиш назариясида марказий муаммо инсон ва унинг томонидан мутлақ ҳақиқатни билишдир. Инсоннинг руҳи мутлақ руҳнинг бир заррачаси бўлганлиги учун шу ўз руҳини аниқлаш орқали инсон Мутлақ Рух –Мутлақ Ҳақиқатни англай олади.

Тасаввуф рационал билишни инкор этмаган, лекин шу билан бирга унинг имкониятлари чекланганлигини таъкидлайди. “Оллоҳ дарвозасигача етаклаб боргунга қадар ақл ажойиб ва қимматлидир. Бу дарвозага етдим деганингда, ундан воз кеч, ўзингни Оллоҳга топшир: энди “қандай қилиб” ва “нима учун” деган саволларга жавоб излаш бефойда”¹. Рационал билимнинг Ҳақиқатта етиштира олмаслиги сабаби унинг номукаммаллигада эмас, балки унинг етарли эмаслигидадир. Бунда ички хис-интуиция зарурдир.

Тасаввуфни қизиқтирган асосий масала - мутлак; ҳақиқатни билиш мумкинми? - ҳам ижобий, ҳам салбий ҳал этилади. Салбий “йўқ” жавоб Оллоҳ - Ҳакни ақл билан билиб бўлмайдиганини англатади. “Олам ўз-ўзидан мавжуд эмас, у Оллоҳнинг мавжудлигидир, шунинг учун олам Уни ҳеч қачон тушуниб етмайди. Бу маънода Оллоҳ ички ҳис учунми, кузатиш учунми номаълум бўлиб қолади. Чунки бебаҳо боқийни қамраб ололмайди”².

Сўфийларнинг таъкидича инсон - ичида илоҳийлик жойлашган, илоҳийликни сақловчи мавжудотдир. У ҳамма ёқда ҳақиқатни излайди, ҳақиқат эса унинг ўзидадаир.

¹Степанянц М.Т.Философские аспекты суфизма.-М., Наука, 1987, -Б. 30-31.

²Ибн Араби.Фусус ал ҳикам. Цит. По Степанянц М.Т.Философские аспекты суфизма.-М., Наука, 1987. –С.36.

Мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг устози муршиidlари Хожа Абдуллоҳ Анзорий тасаввубининг ҳақиқий манбай ҳақида шундай деганлар:

Ҳақро ба далили файласуфон мatalab,
Динро ба жуз аз ҳадису Қуръон мatalab,
Киштии ту шаръ ва Нуҳи ту Қуръон ast.
Бе ин ду нажоти худ аз туфон мatalab¹.

Таржимаси:

Ҳақни файласуфлар далили билан талаб этма, излама,
Динни Ҳадис ва Қуръондан ўзга нарсадан талаб этма.
Сенинг кемант (қайигинг) ва Нуҳинг Қуръондир.
Бу иккисидан (ташқари) ўз нажотингни тўфондан талаб этма.

Шу юқоридаги айтилган илоҳийлик даражасига етиш учун ҳам аввало ақлий билиш босқичи босиб ўтилади. Асли сифат ва фазилатларга эга бўлган инсоннинг ўзи буюк қадрият эканлигини таърифлаб, унинг заковати ақлий қобилиятига юксак баҳо бериб, тасаввубининг буюк шайхларидан Кубровия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро шундай дейди: “Валийлик олам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган маҳлуки. Яратувчи одамга ақл ато қилган, ботиний нур берган, уни бутун мавжудотдан афзal, сифатли ва хислатли қилиб яратган”².

Абдулхолик Фиждувонийнинг тушунтиришича, руҳий-маънавий етук, инсон, энг аввало, ўткир ақлга эга, идроки, сезиш қобилияти, ҳис-туйғулари юксак бўлмоғи лозим. Ҳусусан, зеҳн ўткирлиги кенгрок мушоҳада юритиш учун реал имкониятни вужудга келтиради. Баркамол инсон ўзининг ақл-хушини бехудага сарфламаслиги, ҳар бир сўзи ақл-фаросат тарозисида ўлчанганд, фикр-мулоҳазаси пок эътиқодига мос тушмоғи, қилган ҳар қандай ишидан норози бўлмаслиги, ўзининг одоби билан бошқалардан ажралиб турмоғи, ўйловсиз, ноўрин сўзи билан бирорнинг қалбига шикаст етказмаслиги, ширинсуханлиги билан одамлар дардига малҳам бўлмоғи, андиша ва эҳтиётлилик чин сўзлаш кундалик турмуш тарзида барқарор бўлмоғи даркор. Ўшандагина у руҳий мукаммаллик даражасига етади. Демак, Ҳожаи Жаҳон инсон аввалимбор ақл – тафаккури билан буюклиги, ҳиссий ва ақлий билиш, яъни рационаллик билишнинг асоси эканлигини эътироф этмоқда. Моддий ва маънавий борлик ўз табиатига кўра бир-бири билан узвий боғлиқ диалектик жараён бўлганлигидан, уларнинг инъикоси бўлган инсон билишини ҳам диалектик жараён эканлиги тариқат гносеологиясида ўз аксини топгандир. Ҳажагон тариқати гносеологияси инсонни ўз-ўзини англашга хизмат қилади.

РОЛЬ РЕКЛАМЫ В РАЗВИТИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ Отабек ЖАЛОЛОВ

Базовый докторант Бухарского государственного университета

Аннотация: В данной статье рассматривается роль рекламы в развитии туристических организаций, формирование правильной рекламной кампании, методы ее реализации.

Ключевые слова: реклама в туризме, образ туризма, туристические услуги, эффективная реклама.

Annotation: This article discusses the role of advertising in the development of tourism organizations, the formation of the correct advertising campaign, its methods of implementation.

Key words: advertising in tourism, image of tourism, tourism services, effective advertising.

¹Мажмуаи расоили Ҳожа Абдуллоҳ Анзорий. Форс тилида. Техрон: Тус, II жилди. сах. 742

²Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро. А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Т. -1995.Б.6.

МУНДАРИЖА

	Аннотация.	3
Зарипов Б.К.	Табрик сўз.	4
Ҳамидов О.Х.	Абу Ҳафс Кабир Мовароуннаҳр уламоларининг устози.	5
Timur Kocaoglu	Илмий-амалий анжуманимиз меҳмонлари	6
Воҳидод Ш.Х.	Ижтимоий гуманитар фанларнинг инновацион-интерактив усуллари.	7
Вильданова Г.Б.	Религиозно-философский взгляд на социальную работу.	9
الدكتور. عبد محمد عبد الحليم عبد الجواب	جامعة قاهرة الدكتور. بابر نمازوف. جامعة بخاري : ملخص البحث	14
Dr. AKHLAQUE A.A.	Naqshbandi Silsila In Timurid India	19
ASLI Orunbayev	Ittifoq va taraqqiyot tashkilotning asos va siyosiy tuzilishi	22
Иноятов С.	Бухоро жаҳон ислом олами маданияти ўчоқларидан биридир: тарих ва бугун	26
Ҳайитов Ш.А.	Саудия Арабистонидаги “Бухорий”ларнинг маънавий мероси ҳақида айрим мулоҳазалар	30
Олимов С.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий таваллуд тўйини ўтказайлик.	32
Раҳимов К.		
Наврӯзова Г.Н.	Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси	37
Холмуминов Д.М.	Сравнительное суфиеведение – как методология по изучению истории и философии суфизма	43
Альмеев Р.В.	Святые места Бухары: мазар Ҳазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа	49
Тўҳсанов Қ.Р.	Муҳаммад Исҳоқ Шавкат Бухорий	54
Хандамова М.А.	Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақида ғоялари.	59
Саломова Ҳ.Ю.	Фалсафа ва социология тарихига улкан ҳисса қўшган олим	62
Саломова Ҳ.Ю.	Ибн Сино ва уларнинг севимли устозлари	64
Каримов С.	Шарқ ренессансининг тасаввуфий илдизлари	71
Джураев Ҳ.Х.	Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Ал-Бухорий қадамжоси тарихи: кеча ва бугун	76
Нарзиев З.И.	Абулҳасан Ҳужвирий қарашларида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиги муаммолари	79
Асророва Л.Қ.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ёхуд ислом динини ўргатувчи муаллим.	89
Иноятов А.Х.	Буюк устоз ва буюк шогирд.	93
Намозов Б.Б.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳақида баъзи мулоҳазалар	95
Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Мовароуннаҳр фақиҳи ва Бухорони “қуббат ул-ислом” этган аллома.	99
Баротовна М.Н.	Святые места поклонения Бухары (мазар Ҳазрати Имам).	108
Қаюмова А.Т.	Ибн Халдуннинг илмий - фалсафий қарашлари.	110
Джураев Ҳ.Х., Хайруллоев С.Ҳ.	Бухоро ва Самарқандга қоғоз ишлаб чиқариш тарихи ва қоғоз ҳақида улуғларнинг пурҳикмат сўзлари.	113
Мирзакулов Б.Т.	Бухорий мутафаккир олимлар.	116
Зойиров Э.Х.	Яъқуби Чархий рисолалар таснифи.	119
Қиличев Р.Э.	Исломда қулчилик ва қулга муносабат.	122
Бобожонов Ш.У.	Бухоро воҳасидаги шифобахшлик хусусиятига эга зиёратгоҳлар.	125
Султонова С.Ю.	Диннинг умуминсоний қадрият сифатидаги ўрни.	127
Хўжанова Т.Ж.	Миллий қадриятларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни	129
Хўжанова Т.Ж.	Ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни.	135
Болтаев А.А.	Ибн Арабийнинг “Рисолаи вужудия” асарида борлиқнинг моҳияти тўғрисида.	141
Шарипова О.Т.	Абдухолик Ғиждувоний рубоийларида тасаввуф мақомлари ва хожагон тасаввуфий тарикатида интуитив билиш ҳақида	145
Жалолов О.О.	Роль рекламы в развитии деятельности туристических организаций	150